

Алишер Навоий туғилган кунини 545 йиллиги ва «Хамса»нинг 500 йиллиги

ЖАҲОН АДАБИЁТИНИНГ ДУРДОНАСИ

«Фарҳод ва Ширин» Алишер Навоий «Хамса»си достонлари ўртасида кенг доирада юқори даражада шухрат тутган асардир. У 1484 йилда ёзилган бўлиб, салкам олти минг байтни ўз ичига олади.

Алишер Навоий «Хамса»нинг биринчи достони «Хайратул-абсор»ни ёзиб тутганидан кейин шу асарда илгари сурилган ижтимоий-маърифий қарашларини муйайян планда эпик қиссалар ва уларнинг образлари воситасида ёрқинлаштириш ниятида бўлди. Навоийга ҳам «Хамса»ларда уларнинг иккинчи достони «Хисрав ва Ширин» номи билан аталган эди. Навоий ўз асарига «Фарҳод ва Ширин» номини берди. Зотан, бу достон янги, ўзига хос ғоявий-бадний асосга эга бўлиб, гуманист ўзбек шоирини ўзоқ йиллар давомида ўйлантириб келган идеалларнинг талқинлари билан зийнат топган эди.

Достон Чин шаҳзодаси Фарҳод билан арман маликаси Ширин ўртасидаги оташин муҳаббат саргузаштлари асосига қўйилган. Лекин Фарҳод ҳам, Ширин ҳам энг оддий инсоний фазилатларга эга бўлган қўний кишилар сифатида майдонга чиқадилар. Уларнинг муҳаббати ва бу йўлдаги вафо ва садоқат туйғулари дастлаб инсоний-

бошлаб ҳаё ва ибод, ақл ва заво ҳамда ирода устиворлигининг муқомаси бўлган гўзал Ширин образи саҳнага чиқади. Арманини адолат ва маърифат билан бошқараётган Мохибонунинг жияни бўлмиш Ширин шаҳарга сув олиб келиш учун канал қазиб ишига ташаббускор бўлиб турган бир пайтда бу ерга сайёҳ Шопур кўмаги билан Фарҳод кириб келган эди. У машаққат билан тоғтошларни қўприб ариқ очаётган меҳнат аҳлининг оғир аҳволига бефарқ қараб кета олмайди ва ўзининг Чинда ўрганган сеҳрли тоштарош-лик ҳунарини ишга солади. Бу довуқ Ширинга ҳам етиб борган эди. У иш устига келади. Ниҳоятда ҳаяжонли бўлган дамлар бошланади. Фарҳод бора-бора Шириннинг муҳаббатига сазовор бўлади ва у севгилиснинг юксак мақсади бўлган канални тезроқ битказиш учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб яна ишга киришиб кетади.

Алишер Навоий тасвирида Армания тоғлар бағрида катта деворлар билан ўралган ва қўрғонлар билан зийнат топан бир ўлка. Бу ерда афсонавий Жамшид ва Афريدунларнинг адолатли удулмари давом қилади. Бу тасвирларнинг ҳаммаси Алишер Навоийнинг кишиликнинг зийрак ақли, ижоди ва меҳнати билан бунёд бўл-

бону шаънига ҳад-ҳисобсиз ҳақоратлар ёғдиради. Шаҳарни дамал қилиб, Арманияга таҳдид сола бошлайди. Хисрав очини жангга ҳолиб-лика кўзи етмагач, маккорлик йўлига ўтади. Фарҳодни ҳийла билан асир олиб Салосил қўрғонига ташлайди. Армания куддан-қудга харо-базорга айланиб бораётган шу дамларда бошдан-оёқ икки севишган қалб-нинг вафо широлари, икки бунёдкор одамнинг юрт тақдирини учун изтироблари билан тўлиқ эди. Улар тенг равишда азиз одамзод умрининг ўғирларини, бахт ғорат-гарларини қоралар эдилар. Шу орада ёвузлик дунёсининг элчиси бўлган Хисрав Фарҳодга Шириннинг «бемаҳал ўлим ҳақидаги уйдирма хабарини юбориб, унинг ўлимига эришади.

Хисравнинг «ғолиблик» таклифлари, унинг ўлими Шириннинг қабих режалари Ширинга қараб отилган энг сўнгги ҳақорат тошлари эди. Ширин Фарҳоднинг жасади устидан жон беради. Мохибону ҳам изтироб ичида ҳаётдан қўз юмади.

Ф. Энгельс ўрта асрларда марказлашган ва мустиқл давлатлар барпо қилиш тенденциясини тараққиётнинг муҳим омилли ҳисоблаб, унга қарама-қарши турган уруш-талашларни ўта хунук оқибатларга олиб келишини таъкидлаган эди. Алишер Навоий достонда Армания ҳаёти мисолида адолатпарварли-нинг мамлакат учун қай даражада катта роль ўйнашини жонли тасвирлаб берган бўл-са, одамзотнинг ақли ва истеъдоди, меҳнати ва ижоди билан бунёд бўлган ҳамма афзалликларни емирувчи урушларнинг ўта даражадаги ҳунук манзарасини ҳам тасвирлаб беради. Шопур Фарҳод, Ширин, Мохибону каби комил кишиларнинг ҳаётини кўришдан, бутун Арманияни мотамхонага айлантирган Хисрав босқинини қоралар экан, замондошларини шундай урушларга қарши му-боризликка қаҳқарилади. Шу тарзда романтизм прин-циплари асосидаги тасвир доирасида реалистик жи-лоларнинг кўча борлиши асарнинг ижтимоий муқарражаси да муҳим ўзига хослигини келтириб чиқаради.

«Фарҳод ва Ширин» достонининг ҳаёлик оқида ижоди асарларига ҳос равишда адолатнинг тантанасига бўлган ишонч руҳи билан яқунлиги шундай характерлидир. Фарҳоднинг фожиясини эшитиб Чиндан етиб келган қўдалошчи Баҳром Шеруяни Хисрав босқини вақтида Арманияга етказилган зарарлар учун жавоб беришга мажбур қи-лади.

Алишер Навоийнинг инсон учун яхши ҳаёт тарзи ҳақидаги изланишлари, адолатпарварлигини одил шоҳ-лар фаолияти билан боғлаб талқин қилиш ширинини ўзи яшаган ўрта аср шарио-ти билан изоҳланадиган жи-ҳатлардир.

«Фарҳод ва Ширин» достонининг ижобий қаҳрамон-лари ҳалқ орау-умидларини қўлгадан образлар сифати-да саҳналаримизга кириб келди ва улар бутунги бунёд-корлик ишларида ҳам ҳамроҳдирлар.

«Фарҳод ва Ширин» достонининг традициялари асосида ўзбек адабиётида, шунингдек қардош халқлар адабиётлари-да қатор асарлар яратил-ди, таркималар майдонга келди.

С. ЭРКИНОВ,
филология фанлари докто-ри.



...Бу бешларга аввал бошлаб ўриб панжа,
Хуш хабарлар келтирганнинг юрти Ганжа;
Лекин туркий тилда келди бу нақш ажаб,
Бу сўз Даман жодусида боғлагай лаб.

Сўзамоллик майдонига сен сурдинг от,
Қайта бошдан сўзинг юзи порлади бот,
Сенинг ақли фикринг бида сафо тоғди,
Эй, Навоий, пўтфинг билан наво тоғди.

Абдураҳмон ЖОМИЙ.

- АСРЛАР ОША СЕ-
ВИБ ЎҚИЛАЁТГАН АСАР
- ГУМАНИСТИК ҒОЯ-
ЛАР МАДҲИЯСИ
- ШОИР ИЖОДИ ҲА-
ҚИДА СУҲБАТЛАР

Шоир номи билан аталувчи област шаҳар ва қишлоқлари-да навоийхонлик давом этмоқ-да. Бу йилги анъанавий бай-рам Алишер Навоий туғилган кунининг 545 йиллиги ва «Хам-са» асари ёзилганлигининг беш аср тўлганлигига бағиш-ланаётди. Навоийхонлик кун-ларида республикамизнинг та-ниқли олим ва шоирлари иш-тирок этмоқдалар. Буюрмиш номдаги республика Давлат мукофоти лауреати Иззат

Навоийхонлик кунлари

Султон, филология фанлари доктори Бахтиёр Назаров-нинг улуг шоир ижоди ва ҳаёти ҳақидаги сермазмун суҳбатлари студент, ишчи, пехтакор ва чорвадорларда катта таассурот қолдирди.

Маданият уйлари ва клуб-ларда шоир ижодида бағишлаб бадий-музыкали кечалар, ку-тубхоналарда тематик кўргаз-ма ва суҳбатлар давом этади.

Еттинчи брт ўтказилган бу байрам ўлмас сўз санъаткори-нинг бадийи олами ва ҳаёти-ни яқиндан билишда муҳим роль ўйнайди.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«ХАМСА» ВА САЊЪАТ

Алишер Навоийнинг «Хам-са»си санъатлар тарихи бў-лиши шундан манба, ўзбек совет санъати тараққиёти сарнамаларидан биридир. Бебаҳо хазина, халқ ҳаёти-нинг қомуси бўлиши бу но-дир бешликин санъатшунос-лик нуқтаи назаридан уч йў-налишда ўрганиш мумкин.

Авалламбор «Хамса»да, хусусан, унинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Маж-нун», «Сабъан сайёр» достон-ларида драма санъати-нинг восита ва усулларидан қандай фойдаланилганини кўзатиш мароқли бўлиб, бу йўналиш янги ялмиш кашфиётларга олиб ке-лиши шубҳасиз. Зеро, тил-га олинган асарларни ўзига ҳос драматик поэма-лар деб қараб қараб, «Хамса» достонларининг халқ ораси-да кенг ўқилганлиги ва ҳа-то ўзига ҳос саҳналаштирил-ганлиги босиш ҳам бади-и шундандир.

Иккинчи йўналиш — бу Алишер Навоий ижоди, шу жумладан, «Хамса»нинг ўз-бек совет санъатининг шакл-ланиши ва тараққиётидаги аҳамиятини ўрганиш. Совет давлатида социалистик тузум шариоатларида, Коммунистик партиянинг доимий ғамхўр-лиги ва ленинча миллий сиё-сат туйғулари қарор топан ўзбек совет санъатининг бир-он турли йўли, унинг тарақ-қиётида Алишер Навоийнинг муборак излари бўлмасин. Айниқса, музыка, театр, та-свирий санъатларда бу излар яққол кўринади. Мана, 60 йилдирки, «Лайли ва Маж-нун», «Фарҳод ва Ширин» саҳнада қанчадан қанча ак-тёр, режиссёр, соҳнада На-воийнинг гўзаллиги олами ва ўлмас гоҳларидан баҳраманд бўлмайди дейсан. «Дилор-мо», «Сухайл ва Меҳриб» балетини айтмайсанми. Хош-ро композитор Улуғбек Мусаев «Хамса» мотивлари асосида икки оқшомга мўлжалланган балет ва опера ёзмоқда.

Алишер Навоийнинг воқеа-ларга бой, ҳайвон ҳаёти, барқабат сиймоси санъат а-лини ҳамма ўзига жалб қи-либ келади. Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида яратилган «Алишер Навоий» (Уйғун ва Иззат Султон асари) спек-такли, режиссёр Комил Ерматовнинг «Алишер На-воий» фильми, Олим Хўжа-евнинг «Хамза театрида, Раз-зоқ Ҳамроевнинг фильмида ва Муҳимий театрида ўзи саҳналаштирган «Навоий Астрообода» музыкали дра-масида (И. Махсумов пьеса-си) гавдалантирган Алишер Навоий образлари, Ойбек-нинг «Навоий» романи асо-

сида яратилган кўп серияли видеофильм (режиссёр М. Юнусов) ана шулар жумла-сидандир. Композитор Мута-ваккил Бурхонов «Алишер Навоий» операсини тугаллаш арафасида.

Албатта, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди материал-лари негизда янги санъат асарлари яратиш бўйича амалда оширилган ишлар оз эмас. Аммо фикримизча, санъатимиз ушбу каттагон мавзунини ўзлаштиришда даст-лабки умумий танишув даври-ни ўтади. холос. Олдинда буюк шоир ва мутафаккир-нинг ҳаёти, ижоди, эстетик ва тафаккур дунёсига чуқур-роқ кириб боришда олижа-ноб вазифа турбодир. Бун-да санъатнинг ҳамма тур-лари ҳам ўзини кўрсати-ши мумкин. Айниқ-са, кино санъатимиз. Ав-вало шунинг қайд этиш ке-ракки, кинематография Али-шер Навоий олдида қарздор. «Алишер Навоий» фильми-дан бошқа экран асари яра-тилганини билимайсан. Ажаб-ланарли жойи шундаки, «Минг бир кеча» ҳамда Бе-лид сюжетларига мурожаат қилинбди-ю, шундайгина стоилизм устида турган Али-шер Навоий асарлари четла-б ўтиларибди. Қўлбун, буюк шоирнинг ижоди ва ҳаёти, «Хамса» достонлари катта ва кичик экранларга мўл-жалланган, нафайит катта ёндашган томошабинларга, балки болалар ва ёшларга аталган қанчадан қанча фильм ва сериялар яратиш учун бой манба бўла олади.

Ниҳоят, Алишер Навоий ижоди, шу жумладан, «Хам-са»ни санъатшунослик нуқ-таи назаридан ўрганишнинг учинчи йўналиши — бу санъатлар тарихини тиклаш-да улардан манба сифатида фойдаланишдир. Шоир ижо-диет, шунингдек, «Хамса» сийқилиб ўрганилса, унда музика, халқ театри, цирк, расм, тасвир ва амалий-декоратив санъат, меъморлик бўйича бир олам диллар, чиғиллар, фикрларга лўч қилиш мумкин. Ана шулар борма-бир терилиб, тартибга солинса, Алишер Навоий замонидagi санъатларнинг ғоявий ва бадийи қиёфасини аниқ тасаввур қилиш имко-ни тугиллади. Ўзбек мада-ниятида янги санъатлар пай-до бўлиши ҳақида шоир бун-дан беш аср бурун башорат қилган. Чунинчи, у тасвир-лаган «ойна жажон» — бу XX аср мўъжизаларидан бўл-миш телевидениедан бошқа нарсас эмас.

Маълумки, дин инсон об-рази, умуман, жонли мавж-удотнинг қиёфасини тасвир-

Алишер Навоий асарлари асосини ташкил этган мавзу бепойнлигини ва ранг-баранглигини, ҳаётий ҳодисалар ва поэтик шакллarning кўпчилигини ўрганиш ғоят ибратлидир.

Николай ТИХОНОВ.

ОЙБЕК

ҲАЙКАЛ ОЛДИДА

Куйлаганди беш аср бурун
Халқин, ҳақин, ишқини бу инсон,
Юраги ҳам эркин, ёруғ куй
Дарди билан тепарди ҳар он.

Улғу Ватан кўксига шоир
Бугун қаддин кўтарди баланд;
Абадий тош либосидадир,
Қўлда китоб, кўзлари ўйчан.

— Ассалом, Навоий! — деди ёш авлод.
Олиқшайди халқи бахтиёр:
Шоир, арзир қилсанг ифтихор,
Сўзинг янграб, кўнгилларда ёд.

Сен юксалдинг улғу замонда,
Руставели, Никомий, Пушкин,
Шевченклар тирки Ватанда,
Қара, ҳаёт қандай шод, эркин.

Сўзларингн севар рус, қозқ,
Туркиман, латин, грузин, арман.
Бари совет ерда инсоқ,
Бошларида бир байроқ улкан.

Кел, Навоий, халқ билан бирга
Тилим айтқили шу Ватанга биз:
«Мўмин, нуринг минглаб асрга
Етсин, Ватан — мангу фахримиз!»

1949.

«ФАРҲОД ВА ШИРИН»

лик шарафини улғулаш, дўстлик, биродарликни қар-лаш, ҳаётдан зугулик қилиш, юксак идеаллар бўли-даги талқинларга ҳамма-лик маъносига ҳам эга. Шу тарзда Навоий достонидида муҳаббат темасининг талқини ҳамма ижтимоий афзал-ликларнинг манбаи, жамия-ти гуманистик асосларда қайта қўриш субстанцияси (моҳияти)га айлантирилган эди.

Фарҳоднинг туғилиши шо-диёналари билан бошланган достон воқеалари давомида унинг жуда ёшчилидан бош-лаб ақлда, забардастлида устиворлиги тасвирларига кенг ўрин берилган. Фарҳод учун ҳоқон отасининг тоғу тахти, сарой дабабалари ба-тамом фарқсиз эди. Айни пайтда унда атроф ҳаётини зийраклик билан кўзатиш, кўнгил озурада элнинг ранжидан қайғуриш, уларга ҳам-дамлик билдириш ҳисси қу-чайиб боради. У Чинда олиб берилган қуришлар вақти-да тошторош Қоран ва нақ-қош Моийларга ақиллашиб, уларнинг мўъжизакор ҳуна-рларини мукаммал ўрганиб олди.

Фарҳоднинг бағоят йил-ларда шохлик хазинасида сақланаётган ойна Исхонда-рий билан танишуви унинг ҳаётида бурлиш нуқтаси бў-либ қолди. У Юнон сафари машаққатларини енгиб қай-тиб, ўша кўзгуда Ширин-нинг тисмонини кўради. Фарҳод шу тисмоннинг асли-ни қидириб топқунча тиниб тинчимади. Ниҳоят, уни тоғлар ўлкаси Арманиядан топади.

Достонда шу тасвирлардан

ган адолат ва маърифат бил-лан янада тақомил топиб борадиган ҳаёт тарзи ҳақида-ги идеал эди. албатта. Зо-тан, шоир яшаган XV аср шариоатида Моварауннахр ва Хурсонда бунинг тамоман акси ҳуқуқрон эди. Али-шер Навоий достонда ўз идеал қаҳрамони Фарҳод-ни шу муҳит шох ва шаҳзодаларига қарама-қар-ши қўяди. Гўзал Ширинни излаб топган Фарҳод ўз жо-йини адолатли тартиблар ҳуқуқрон бўлган шу оёсийи-та Арманияда деб билди. У ўз меҳнат ва истеъдоди бил-лан мамлакатнинг ҳуснига ҳусн қўшади, ҳамма вақт энг олижаноб мақсадлар бил-лан яшайди. Мана унинг шiori:

Хунарни асрабон
нетўғдур охир,
Олиб тупроқдан
кетгудир охир.

Достонда кишининг юксак ҳис-туйғуларини, унинг мўъ-жизакор меҳнатига қарлаш Ширин образини ниҳоятда юқори кўтариб туради. Ар-манияни сузга сероб қилган «Нахрул—ҳаёт» ариги, «Бах-руч—наҳот» ҳовузининг иш-га тушиши муносабати билан ўз севгилис Фарҳодни офа-рибод қилаётган бир вақтда Мадоний шоҳи Хисравнинг Армания остоналарида пай-до бўлиши Шириннинг кўзи ўнгига дунёни қоронғи қи-либ юборди. Шириннинг гў-заллиги таърифини одамлар «ошқиниб» қўрган Хисрав еру қўни тутиш кўпини билан келган эди. Ширин томонидан кетма-кет рад жас-тобларин олган шох жаҳл отига минади. Ширин билан Фарҳод, қолаверса Мохиб-

ҚАРДОШЛАР ҚАЛБИДА

Болтиқбўйи халқлари Алишер Навоий ижоди бил-дан илк марта қирқинчи йилларнинг бошларида та-нишдилар. Маъбуотда улуг шоир ва мутафаккирининг 500 йиллик юбилейи муно-сабати билан мақоалар эълон қилинганди. Масалан, «Раштай» адабий-бадний журналида ёзувчи И. Скло-таусканин Алишер Навоий ҳаёти ва ижодида бағишлан-ган каттагина мақоласи бе-силиди. Унда муаллиф ўзбек шоирини литваллик ўқувчи-ларга таништарар экан, унинг яшаган даври, ҳаёт йўли тўғрисида маълумот беради. Сўз санъати устаси ижодининг умумобшари аҳамиятини очига йитилди. «Алишер Навоий беш аср бурун яшаб, ижод этган, ли-твалликларга нотаниш тилда ёзган бўлса-да, унинг асар-лари барча тараққиётпарвар кишиларнинг, жумладан, биз-нинг ҳам севимли муқимиз-дир, — деб ёзади И. Скло-таускас. — Чунки, улуг ўз-бек шоири ўз ижодида умум-инсоний масалаларни кўтар-ган, таранум этган».

Навоийнинг 500 йиллиги СССР халқларининг мада-

ният байрамига айланди. Тошкентда бўлиб ўтган юби-лей тантаналарига қардош республикалардан жуда кўп меҳмонлар келишди. Улар-нинг орасида атоқли Литва ёзувчиси В. Миколайтис-Пу-тинас, адиб ва мунаққид И. Шимкус, шоир ва таржи-мон А. Хургинас, латвиш шоири А. Имерманис, ада-биётшунос Л. Бирдаклар ҳам бор эди.

В. Миколайтис-Путинас Литвага қайтган, «Пярғале» журналинда «Навоий ва унинг Ватани» мақоласини эълон қилди. У Алишер Навоий ҳақида ёзар экан, унинг ижодидан илҳомланиб чуқур илмий-назарий фикрларини ўртага ташлайди, шоир асар-ларининг бадияти, фалса-фи йўналиши, барча авлод-лар учун бирдай муҳим бўл-ган аҳамиятини кўрсатиб бе-ради.

Таниқли латвиш адабиёт-шунос, профессор К. Крау-линь «XV аср Шарқ гума-нисти» мақоласида Навоий-нинг ўзбек маданияти ва адабиётини барқарор этиш-даги буюк, бетакорор хизмат-лари ҳақида ёзади.

Қардошларимиз адабиёт-

шунослиги ва публицистика-сида кейинчалик ўзига ҳос навоийнома деб таърифлан-ган бу туркумда эстон адиби В. Нурмукуд, Ф. Кярмисер, латвиш шоири ва таъкидчи-си А. Чак, олим Л. Бирда-нинг ҳам мақолалари бор. Улар беш ўз йил бурун яша-ган ва ижод этган Навоий тисмонидида буюк мутафаккир ва шоирни кўрганиларини, «Хамса» жаҳон тараққиёт-парвар адабиётининг шакллани-ши ва ривожланишида, минг-лаб талантларнинг юзага чи-қишида шак-шубҳасиз муҳим роль ўйнаганини эътироф этишади. Улар айни вақтда Алишер Навоий асарларини ўз она тилларига таржима қилиш масаласини ўртага қўйиладир.

Ўз вақтида қилинган даъ-ват исзис қолмади. Литва шоири В. Миколайтис-Пути-нас «Сабъан сайёр» достони-нинг катта бир бобини она тилига таржима қилди. Шо-ир А. Хургинас «Лайли ва Мажнун»дан парчалар эълон қилди. Латвиш китобхоналари «Фарҳод ва Ширин» достони (П. Вилет таржимаси) бил-лан танишдилар.

Алишер Навоий асарлари-нинг эстон тилидаги илк таржимаси 1948 йилда амал-га оширилди. Шоир А. Сан-га «Фарҳод ва Ширин» до-стонини ўз таржимасида «Ло-оминг» журналида эълон қил-ди. Кейинроқ А. Санга ушбу шоирнинг «Сабъан сайёр» достонига ҳам мурожаат эт-ди.

Болтиқбўйи республикалари шоирлари Навоий ҳақида қато-тор шеърлар яратдилар. Бу ўринда В. Миколайтис-Пути-нас, А. Имерманиснинг шеърларини алоҳида таъкид-лаб ўтиш керак. Шоирлар ўз асарларида Навоийнинг ҳақи-қий инсонларнинг инсонпар-варлик гоҳларининг буюк куйчиси деб таърифлайди-лар.

Ха, Алишер Навоий ўз асарлари билан кишилар тилида, дилида ашмақда, асарлардан асарларга ўтиб, халқларни бир-бирига яқин-лаштириш ишига, дўстлик ишига актив хизмат қилмоқ-да!

Н. АХМЕДОВ,
филология фанлари канди-дат.

Алишер Навоий, унинг асар-лари ва қаҳрамонлари расм-лар учун ҳам ҳамма илҳом. бехишдир. Ўзбек расмолари орасида буюк шоир ва унинг ноидир «Хамса»си образларига мурожаат этмаганлар кам то-пилади.

«Хамса» қаҳрамонларини тас-вирлаган расмолар орасида Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреат-лари — Рувим Немировнинг ва Валентин Клевазовнинг бир иши алоҳида ажралиб туради. Бу асар ўзида Фарҳод образини муқаммаллаштир-ган.

Расмолар ўзбек халқи-нинг севимли қаҳрамонини ҳа-қиқий пахловон сифатида тас-вирлаганлар. Тош кўтарётган Фарҳоднинг олис-олисларга бо-

ҲАМИША ИЛҲОМБАХШ

қиб туришида, интилишида чуқур рамзий маъно бор.

Навоий ва унинг асарларига мурожаат этиб, ажойиб порт-ретлар ва картиналар яратган расмолардан бири Ўзбекистон ССР халқ расмони, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Чин-ғиз Аҳмадовдир. Ҳеч иккин-май айтиш мумкинки, устоз санъаткор миллий-таъсирий санъатимизда ўзига ҳос на-воийнома ижод этди. Расм-нинг А. Навоий номидаги Катта театр ва шоир номидаги метро

станцияси деворларига ишла-ган монументал асарлар ба-дний маданиятимизда воқеа сифатида эътироф этилганли-ги бежиз эмас.

Расмнинг ютуғи шундаки, ўз асарларида эзуликини қўлга-лан инсон абадийдир, умумин-соний гоҳларни таранум этган асарлар ҳеч қачон унутилмай-ди, деган ғояни илгари сура-ди.

Владимир Кайдалов, Влади-мир Рождественский, Леонид Рябцев, Виль Паршин каби расмолар ҳам Навоий ва

унинг «Хамса»си мавзунда эс-де қолдиган асарлар ишлаган. Бу портрет ва картиналар шоирнинг ҳаётбахш туйғуларини — одамлар оқибатли бўлиш-лари, дўстлигини бир умр қадр-лашлари, илгор фикр билан яшашга ўрганишлари керак, — деган ғояларни ўзига ҳос бўқ-ларда, штрихлар ва рамзлар-да тасвирлайди.

Расмоларимиз Навоий ва унинг қаҳрамонларига муро-жаат этиш масъулиятини ахши ҳис қиледилар. Шундай масъу-лият бор экан, таъсирий ба-дний маданиятимиз намоён-дари келгусида ҳам бу илҳом-бахш мавзуларда янгидан-янги муқаммал асарлар ярати-лар.

О. АПУХТИН.

